

## ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ ХИЗМАТЛАР БОЗОРНИ БОШҚАРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ҲУДУДИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА БАҲОЛАШ

**Аннотация.** Мақолада туристик-рекреация фаолиятини самарали бошқариш ва соҳа фаолиятини ривожлантириш йўналишлари ўрганилган ҳамда туристик-рекреация хизматлар бозорини бошқаришга таъсир этувчи омилларни баҳолаш мақсадида бозорнинг кучли, заиф томонлари, мавжуд имкониятлар ва хатарларни аниқлашга ёрдам берувчи SWOT таҳлил амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** туризм, рекреация, туристик-рекреация, бошқарув, стратегия, туристик-рекреация хизматлар бозори.

Туризм ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг етакчи секторларидан бирига айланди. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг маълумотларига кўра: «...туризм даромадлилик даражаси бўйича учинчи, товарлар ва хизматлар экспортида тўртинчи ўринда, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотигаги улуши ўртача 10 фоизни ташкил этмоқда...»[4]. Бу соҳа замонавий дунё ҳўжалигидаги энг йирик тармоқлардан биридир, у «дунё ЯИМнинг 10,3 % ини ташкил этади ва унда 260 миллиондан ортиқ иш ўринлари мавжуд»[5]. Рекреациянинг юқори даражада ривожланиши инсон меҳнат фаолияти давомида йўқотган жисмоний, ақлий, руҳий кучларини қайта тиклаш билан шуғулланувчи фаолиятларни жонлантиришга имкон берди. Европа давлатларида, хусусан, Америка, Осиё, Океаниядаги илмий-техник тараққиёт, инсон меҳнат фаолияти давомида илмий техника ютуқларидан кенг фойдаланиши ҳам рекреацияга бўлган эҳтиёжни янада оширди. Бугун туризм ва рекреация нафақат савдо хизматларининг бир тури сифатида намоён бўлмоқда, балки туристик-рекреацион соҳанинг барқарор ривожланиши янги ишчи ўринлари яратиш ҳамда унга ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш»[1] муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Туристик-рекреация фаолиятини самарали бошқариш ва соҳа фаолиятини ривожлантириш асосида рекреацион хизматлар кўрсатиш ҳажмининг қисқа давр ичида ўсиб бориши, бир томондан, мамлакатда ички туризм истеъмоли ҳажмининг ортишига олиб келса, иккинчи томондан, рекреация хизматларини экспорт қилиш ҳажми ортиши ҳисобига экспорт ҳажмида туристик хизматлар улушининг ортиб боришига ижобий таъсир кўрсатади.

Миллий туризм хизматлар бозорини янада ривожлантириш соҳа фаолиятини юқори даражага ўсишини таъминловчи тармоқларини ривожлантириш устуворлик бағишлайди. Ҳозирги кунда инсонларнинг реал даромадлари йилдан-йилга ортиб бориши, уларда ўзларининг соғлиқларини тиклаши ва ҳордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжларини қондириш истаги ҳамда талаби ортиб бормоқда. Мавжуд юзага келаётган талабни ўрганиш асосида мамлакатимизда жуда катта рекреация салоҳиятини мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу туризм тармоғини янада

ривожлантириш, унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Ривожланиб бораётган хизматлар бозори ва унинг турли секторларидаги фаоллик даражаси таклиф этилаётган хизматлар ҳажмига бўлган талабнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Реал талабнинг шаклланишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар хизматлар бозорида реал талаб ва таклифнинг шаклланиши, мувозанат ҳажмининг юзага келишини белгилайди. Ушбу қонуният рекреацион хизматлар бозоридаги муносабатларда ҳам ўз аксини топади.

Ўзбекистонда рекреацион хизматлар бозорининг ривожланишига омиллар таъсирини ўрганишдан олдин унинг ҳолатини баҳолаш мақсадида бозорнинг кучли, заиф томонлари, мавжуд имкониятлар ва хатарларни аниқлашга ёрдам берувчи SWOT таҳлилни амалга оширамыз.

SWOT таҳлилининг ҳар бир гуруҳ омиллари рекреацион хизматлар бозоридаги ҳолатнинг қандай ўзгаришда ривожланиб боришига тўғридан-тўғри таъсир этади. Албатта, SWOT таҳлил матрицасининг ҳар бир бўлагида жойлашган ҳолатлар бўлак номи билан мутаносиб равишда ўзгаришларни белгилайди.

Таҳлил матрицасидаги бўлақларда жойлашган омилларнинг бир-бири билан кесишуви асосида SWOT таҳлил кесишув матрицасини ҳосил қиламыз (1-жадвал). Кесишув матрицасининг устун қисмига Ўзбекистонда рекреацион хизматлар бозорининг кучли ва заиф томонларини, сатр қисмига эса мавжуд имкониятларни ва бозорнинг ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хатар ва таҳдидларни жойлаштирамыз.

1-жадвал

#### Ўзбекистонда рекреацион хизматлар бозорининг SWOT таҳлили[2]

Кучли томонлар	Заиф томонлар
<p>1.Рекреация объектлари мавжуд бўлган ҳудудларнинг юқори географик ва табиий салоҳияти.</p> <p>2.Рекреация объектлари таркибида мижозлар учун турар жойларнинг мавжудлиги.</p> <p>3.Рекреация объектларида турли маданий-маиший ва дам олиш хизматларининг мавжудлиги.</p> <p>4.Рекреация хизматларидан фойдаланиш учун ўсиб бораётган реал талабнинг мавжудлиги.</p> <p>5.Рекреация хизматларини таклиф этувчи муассасалар ва корхоналарда хизмат йўналишлари бўйича мутахассисларнинг мавжудлиги.</p>	<p>1.Мавжуд юқори салоҳиятдан максимал даражада фойдаланилмастик.</p> <p>2.Рекреация объектларидаги турар жойларнинг халқаро талабларга мос келмаслиги.</p> <p>3.Мавжуд рекреация объектлари ва уларда фойдаланиш мумкин бўлган хизматлар тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслиги.</p> <p>4. Рекреация хизматлари таклиф этувчи объектлар жойлашган ҳудудларда зарурий инфратузилмалар ва кластерларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги.</p> <p>5.Хизмат кўрсатиш сифатининг паст даражаси.</p> <p>6.Кўрсатилаётган хизматлар учун баҳоларнинг хизматлар сифатига номутаносиблиги.</p>
Имкониятлар	Хатарлар
<p>1.Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари учун ички ва ташқи туризмни ривожлантириш тенденцияси.</p> <p>2.Рекреацион туризм соҳасининг инвестицион жозибадорлигини ошириш.</p>	<p>1.Давлатнинг рекреация хизматлари бозори билан боғлиқ иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.</p> <p>2.Халқаро ахборот тизимларига қўшилиш натижасида халқаро бозордаги етакчи туристик корхоналар билан рақобатнинг</p>

<p>3. Рекреацион хизматлар кўрсатиш базасини кенгайтириш имкониятлари мавжудлиги.</p> <p>4. Янги қувватларни ишга тушириш ва кластерларни шакллантириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш имконияти.</p> <p>5. Халқаро ва тармоқ бронлаш тизимлари хизматларидан фойдаланиш орқали қисқа вақтда ички ва ташқи талабнинг ортиши ҳисобига қувватлардан фойдаланиш даражасини кенгайтириш.</p>	<p>юзага келиши.</p> <p>3. Рақобатчиларнинг пайдо бўлиши натижасида хизматлар ва даромадларнинг рақобатчилар ўртасида тақсимланиши.</p>
---	---

Ҳар бир сатр ва устун кесишган жойга -5 ва 5 балл чегарасида чекланган баҳолар қўйилади ва ушбу баҳолар асосида кесишув матрицасининг қийматлари белгиланади. Аниқланган омиллар бўйича кесишув матрицасидаги омиллар баҳолари асосида омилий таҳлиллар моделларини тузиш ва омилларни баҳолаш имкониятига эга бўлинади. Математик нуқтаи назардан омилий таҳлилларнинг мақсади – омилларга мос устунлар сони параметрларга мос сатрлар сонидан анча кам бўлган омиллар вазнлари матрицасини топишдан иборат бўлиб, у танланган тўпلام учун параметрлар орасидаги корреляциялар коэффицентларини зарур аниқлик билан тиклаш имконини бериши керак.

Омилларнинг параметрлар орқали ифодаси:

$$F_p^b = \beta_{p_1} \cdot z_1 + \beta_{p_2} \cdot z_2 + \dots + \beta_{p_n} \cdot z_n \quad (p = 1 - n) \quad (1)$$

тарзида ёки матрицавий кўринишда:

$$f^b = \beta \cdot z \quad (2)$$

бўлиб,  $f^b$  - омилларнинг баҳоланган қийматларининг устун матрицаси, у омилларнинг “қандайдир энг яхши баҳоларидан” иборат. Масалан, одатда қўлланиладиган энг кам квадратлар мезони нуқтаи назаридан  $F_p^b$  ни стандартлаштирилган кўрсаткичлар ва омиллар учун  $\beta$ -регрессия тенгламаларидек қараш мумкин. Шу асосда нормал тенгламалар системасини ечиб ( $\beta_{p_n}$  ларга нисбатан), бизга зарур бўлган  $F_p^b$  даги коэффицентлар қийматини топамиз. Бу ҳол учун нормал тенгламалар системаси матрицавий кўринишда қуйидагидек бўлади:

$$R \cdot \beta_{p'} = a_{p'}$$

(3)

бундаги  $\beta_{p'}$  ва  $a_{p'}$  -  $p$  омилга мос коэффицентлар устунидир.

$$R \cdot \beta' = A$$

Барча  $p$  лар учун:

Бундан:

$$\beta = A' \cdot R^{-1} = (A' \cdot A)^{-1} \cdot A'$$

(4)

Демак, ўзаро корреляцияга эга бўлмаган омиллар системаси учун, маълум энг кичик квадратлар мезони нуқтаи назаридан, энг яхши баҳолар, яъни  $\beta$ -коэффицентлар (4) формулага биноан олиниши мумкин.

Бу баҳоларни ҳар бир омил учун баҳолашда:

$$R_{p_2} = l'_{Fp} = \beta_{p_1} a_{1p} + \beta_{p_2} a_{2p} + \dots + \beta_{pn} a_{2n}$$

(5)

- кўплик корреляция коэффициентлари ишлатилиши мумкин. Охирги ифодадаги ҳар бир қўшилувчи ҳар бир омиллар жуфти корреляцияси учун ҳар бир параметрнинг “улуши” ёки “вазини” кўрсатади [3].

Юқорида белгиланган вазифалар ва амалий натижалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилди:

- сайёҳлик ва ҳордиқ чиқариш фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий вазифаларини аниқлаш;
- туризм ва рекреацион соҳани бошқаришнинг замонавий методологиясини шакллантириш, умумий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- рекреацион районлаштиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сайёҳлик-кўнгилочар тадбирларда тадбиркорликни режалаштиришнинг мақсадли стратегиясини ишлаб чиқиш;
- натижаларни бошқариш тизими фаолиятнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва узоқ муддатли менежмент шакллантириладиган стратегияни ишлаб чиқиш асосида қурилган.

Ҳар қандай давлатнинг туристик ва рекреацион фаолиятининг моҳияти ва унинг умумий ривожланиш стратегияси мамлакатнинг ташқи ва ички муҳитига бевосита боғлиқдир. Туристлик ва рекреацион тадбирларни ташкил этишда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш стратегик режалаштиришнинг мақсад ва вазифаларига эришиш натижаларига асосланган иқтисодий бошқарув механизми воситаларидан фойдаланган ҳолда ташқи тадбиркорлик микро муҳити ва ички тадбиркорлик муҳити таркибий қисмларига изчил таъсир кўрсатиш шаклида ифодаланиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. *Мирзаев А.Т.* Ўзбекистон ҳудудларида туристик-рекреация объектларидан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд. – 2019 йй. 119-бет.
3. *Шодиев Т.Ш., Хакимов Т.Х.* ва бошқалар. Эконометрика. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007. 98-99-бетлар.
4. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари UNWTO World Tourism Annual Report 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси: Ўзбекистон туризми. Т., 2018. 15-16 б.